

«Андижон-биоким» очик акциядорлик жамиятининг янги технология асосида барпо этилган намунали тоқзорларида етиштирилган хўраки ва саноатбоп узум навлари дастлабки ҳосилга кирди. Бу ерда узум навлари парваришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИНТЕНСИВ ТОҚЗОРЛАР

Жорий йилда ушбу соҳага эътибор қўйиб, 267 гектар майдонда интенсив тоқзорларда узум етиштириш йўлга қўйилди. Натияжада, тоқзорларнинг умумий майдони 2910 гектарни ташкил этди.

Бу йил мажмуи узумзорлардан 144 центнердан ҳосил олиш кўзланганди. Унинг 2 минг тоннаси хорижга экспорт қилинади.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

НАВОИЙ

Кармана тумани галлакорларнинг жорий йилда 7331 гектар майдонда мўл ҳосил етиштириб, давлатга 16,313 тонна сара дон топширгани катта шодликка сабаб бўлди.

«ЛАБИХОВУЗ» ФАЙЗГА ТЎЛДИ

Агроекономика мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Кармана тумани кенгаши «Руслан-Мадина», «Эргашев Отабек», «Яхши ниёт», «Файз-У», «Ахмад», «Лочин», «Анвар», «Ахтомов», «Ҳасан тилло», «Шаҳноза» бир гуруҳ фидойи хўжалик сардорларини тўқин дастурхон атрофида жамлашни ният қилган эди. Қуни кеча аҳдиқа содиқ деҳқонлар туман марказидаги «Лабиховуз» тўйхонасини файзга тўлдирдилар. Тадбирда вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари, Кармана тумани ҳокими, туман Фермерлар кенгаши раиси иштирок этди.

Илгорларга гилам ва бошқа қимматбаҳо совғалар тўхфа қилинди. Фермерлардан 15 нафар эса фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Хўжайли шаҳрида совобли ишга қўл урилиб, худуд тарихини ўзда акс эттирувчи музей очилди.

ХЎЖАЙЛИДА МУЗЕЙ

Эндиликда 110 йиллик ўтмишдан гувоҳлик берувчи кўҳна иморат минг йиллик тарихий манбалардан сўзловчи экспонатлар билан тўлдирилмоқда. — Ҳозирда музей хоналари ва кўрғазма пештоқларидан беш юздан кўпроқ экспонат жой олди, — дейди музей директори Уразимбаб Абдураимов. — Орамизда қўли очик, юртсевар, миллатпарвар инсонлар жуда кўп экан. Уларнинг ҳайъати билан музейимиз кун сайми тўлиб бормоқда.

Ортиқбой МОМУТОВ



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 27-iyul, shanba № 89 (3282)



«Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг учинчи жилди нашрдан чиқарилди. Маълумки, мазкур китобнинг биринчи жилди 2006 йилда, иккинчи жилди 2009 йилда нашр этилган ва кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди.

«Президентга мактублар» китоби тақдироти

Китобнинг янги — учинчи жилдидан мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари, хорижий давлатлар етакчилари, атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият намояндalари томонидан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов номига 2009-2013 йиллар давомида келган хатлардан намуналар ўрин олган.

Шу йил 25 июль кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ушбу китобнинг тақдироти маросими бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган мазкур йилги тақдироти таниқли олимлар, тарихчи ва файласуфлар, маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, ўқувчи ва талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тақдироти маросимида «Президентга мактублар» китобининг учинчи жилди мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги катта воқеа экани таъкидланди. Ушбу тўпلامдан ўрин олган, турли касб ва ижтимоий тоифага мансуб юртдошларимиз томонидан йўланган хатларда мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари учун амалга оширилаётгани ва уларнинг амалий натижалари ҳар бир оила, қишлоқ ва шаҳар ҳаётида яққол намоён бўлаётгани аниқ мисоллар асосида акс эттирилган, барча мактублар ўзининг самимий руҳи, Ўзбекистон раҳбарига юксак ишонч, ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан алоҳида ажралиб туриши ҳақида атрофли фикр юритилди.

Тақдироти маросимида Ўзбекистон Миллий университети профессори А.Расулов, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор А.Маврулов, шахмат бўйича ҳалқаро гроссмейстер Н.Мўминова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист С.Ашуров, Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси М.Иззатуллаева, адабиётшунос олимлар З.Исомиддинов, С.Аҳмедов, ёзувчи У.Ҳамдамов ва бошқалар сўзга чиқиб, «Президентга мактублар» китобининг учинчи нашри Ўзбекистон Президентининг ғоят масъулиятли ва самарали фаолияти ҳақида, мамлакатимиз эришаётган тарихий ютуқ ва марралар ҳалқимиз ҳамда кенг ҳалқаро ҳамжамият томонидан юксак эътибор этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида атрофлича маълумот бериши, бу борадаги тушунча ва тасавурларни кенгайтириши, ёш авлодни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Йилгиликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Ўза

Раёсат йиғилиши

Изчил фаолият — самарадорлик асоси

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Дастлаб Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси ташкилотларининг меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлари таҳлил қилинди. Таъкидландики, тармоқ қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ўрнатилган ижтимоий шериклик орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда муайян муваффақиятларга эришилди. Хусусан, қатор корхоналарда жамоа шартномалари асосида ходимларга узайтирилган ва қўшимча таътиллар бериш, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун 1 соатга қисқартирилган иш куни белгиланган.

номаси асосида тахсил олаётган талабаларнинг шартнома пулларини ўтказиб бериш, стационар даволаниш ва жарроҳлик операциялари учун тўловларни амалга ошириш йўналишларида ҳам ибратли ишлар йўлга қўйилган. Шунингдек, «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти, «Самарқанд автомобил заводи» масъулия-чекланган жамияти, «Ўз Коджи», «Ўз Часис» МЧЖ қўшма корхоналарида ҳам маъмурият ва қасаба уюшмаси ҳамкорлигида фаолиятнинг устувор йўналишлари ўз самарасини бераётди.

Шу билан бирга, тармоқ қасаба уюшма ташкилотлари фаолиятида учраётган айрим камчиликлар тилга олинган, уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи ижросини таъминлаш масаласига эътибор қаратилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЎзКУФК мажлиси

Сарҳисоб, таҳлил ва галдаги вазифалар

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг IX мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика қасаба уюшмалари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Мазмуи юзасидан Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева маъруза қилди.

Президентимизнинг 2012 йилнинг асосий якуналари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари бағишланган Вазирлар Мақамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, Федерацияси Кенгашининг 2013 йил 25 январдаги мажлисида белгилаб олинган қасаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари доирасида жорий йилнинг I ярмида амалга оширилган ишларга муфассал тўхтаб ўтилди. Хусусан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунарига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, Федерацияси Кенгаши томонидан 32 та меъёрий ҳужжат лойиҳаси юзасидан тақлиф тақлиф ва ҳулосалар ишлаб чиқилди. 141 та ҳужжат шартномаси қонунчилиги ўрганилиб, меҳ-

нат муҳофазаси бўйича 19 та меъёрий ҳужжат, жумладан, 16 та меҳнат муҳофазаси бўйича қоида лойиҳалари қўриб чиқилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича 3 та меъёрий ҳужжат лойиҳаси юзасидан тақлифлар берилди. Мажлис иштирокчилари томонидан тизимни ташкилий мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўналишида олиб борилаётган ишлар бугун ўз ижобий самарасини бераётгани таъкидланди. Хусусан, худудларда ихчам ва ишчан тизимнинг яратилиши натижасида ходимлар ижтимоий ҳимояси қўламини янада кенгайтириш билан бирга, уларнинг оила аъзолари манфаатлари ҳимоясида ҳам кенг имконият берди. Бунда, албатта, Федерацияси Кенгаши томонидан қўйи ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш тизимининг йўлга қўйилгани фаолият самарадорлигини таъминлади. Бу жараёнда тармоқ Марказий кенгашилари ҳам фаол иштирок этиб, жорий йилнинг май-июн ойлари давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 716 та бошланғич ташкилотга амалий ёрдам кўрсатилди. 2013 йил қасаба уюшмалари тизимида ра-

зий маънода «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан қорхона, ташкилот ва муассасалар қасаба уюшма қўмиталари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, улар фаолияти самарадорлигини ошириш, қасаба уюшма фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, бошланғич ташкилотлар олдига турган вазифалар ва истиқболли режаларни белгилаш ҳамда ҳаётга таъбиқ этиш йўналишларида тизимли ишлар амалга оширилди. Самарадорлиқни юксалтириш юзасидан тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўйи қасаба уюшма органларининг ўзаро таъриба алмашишини ташкил этиш мақсадида «Бошланғич ташкилот — қасаба уюшмаси ҳаракатининг асоси» шиори остида бошланғич ташкилотлар етакчиларининг I Республика Форуми ўтказилди. Унда иштирок этган қасаба уюшма фаолларининг малака ва тажрибалари ортиси билан бирга, ижтимоий шериклик имкониятларини кенгайтириш борасида тегишли тавсиялар берилди. Форум якуни бўйича «Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури» ҳамда бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг I Республика Форуми Резолюцияси ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Фестивал

Ёзининг жазирама кунлари тоғ ён-бағирларида жойлашган соя-салқин гўшаларда мириқиб дам олишга не етсин! Очиги, болажонларимизнинг сўлим оромгоҳларда марокли хордик чикариб, турли тўгаракларда билим ва малакаларини ошираётганидан бошимиз осмонга етмоқда. Режа асосидаги маданий-маърифий дастурлар, спорт мусобақалари ва кўнглин очар ўйинларни айтмайсизми! Буларнинг барчаси дам олувчиларда унутилмас таассурот қолдираётди.



«Чотқол» дўстларни чорлайди

Кунини кеча Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тизимидаги «Тошнотқол» муассасасида ОАЖга қарашли Бўстонлик туманида жойлашган «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Конструктор», «Бурчмулла», «Фазоигар Гагарин», «Олимпиаца», «Ёш куч», «Нихол», «Металлург» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида хордик чикараётган болалар иштирокида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Чотқол дўстларни чорлайди» шиори остида анъ-

анавий қўшиқ ва рақс фестивали уюштирилди. — Худуди 18 гектарни ташкил этган оромгоҳимиз 1986 йилда иш бошлагандан атиги 100 нафар бола дам олдирилган эди. Йилдан-йилга имкониятимиз кенгайиб борди. Хозирда мавсумнинг учинчи навбатида 592 нафар бола соғломлаштирилмоқда. Бунга 1700 нафардан зиёд бола мароқли дам олиб, олам-олам таассуротлар билан уйларига қайтишди, — дейди оромгоҳ раҳбари Эркин Деҳқонов. — Мазкур оромгоҳга 23 йилдан буён

раҳбарлик қиламан, қўшиқ-рақс болалар фестивалини 18 йилдан буён анъанавий тарзда уюштириб келишимиз. Бугун ҳам 200 нафардан зиёд ёшлар ўзларининг истеъдодларини намоён этишди. Албатта, бу каби тадбирлар янгидан-янги талантларни аниқлаб олишимизга кўмаклашмоқда. — Утаётган ҳар бир кунимиз ранг-баранг байрам тадбирлари билан хотирамизга муҳрланмоқда, — дейди «Конструктор» болалар оромгоҳидан келган тўққиз ёшли Ноила Ҳафизова. — Барча дам

олувчи тенгдошларимизнинг чиқишларини кўриб, қувондим. Биз ҳам жамоамиз билан аjoyиб рақс тайёрлаб келгандик. Томошабинларнинг олқишларидан билдикки, чиқишимиз уларга ҳам манзур бўлди. — Бу ердаги эътибор ва ғамхўрликдан жудаям ҳурсандимиз. Чунки ташкилотлар бизга шундай катта шодлик туҳфа этишяпти. Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган бугунги фестивал қалбимизни жунбушга келтирди, — дейди 11 ёшли Сардор Поёнов («Чот-

қол» оромгоҳи). — Тенгдошларим билан қизқарган саҳна кўриниши тайёрландик. Чиқишимиз меҳмонларимиз томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди. — Табиатнинг баҳаво бағрида маза қилиб дам олиб, уйин-кулги қилишининг гаши бошқача экан, — дейди «Бурчмулла» оромгоҳидан келган 13 ёшли Комила Сайдуллаева. — Турли тадбирлар, табиат қўйнига саёхатлар, кўнглин очар дастурлар утаётган ҳар бир кунимизга ўзига хос кайфият улашмоқда. Фестивал голиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлан-тирилди. Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Қасаба уюшма фаоллари — Сурхондарёда

Юртимизнинг ҳар бир ҳудудда энг улуг, энг азиз байраминизга қизгин тайёргарлик кўриляпти. Шу муносабат билан Сурхондарё вилоятида ўтказилаётган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиорини ўзда муҳассам этган тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳамда ташкилий ва амалий тадбирларда Ўзбекистон Ижтимоий масъулиятли фуқаролар Форуми таъсисчи ташкилотларидан бири — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ва бир гуруҳ фаоллар иштирок этдилар.

Жонли мулоқотлар

Термиз шаҳридаги Маннон Уйгур номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театри биносида «Ўзбек ипаги» уюшмаси томонидан уюштирилган «Кумуш тола — юрт бойлиги» мавзусидаги тадбирда ЎзКУФК раиси Т.Нарбаева маъруза қилиб, илғор пиллакорлар ва уларга яқиндан ёрдам берган мутасаддиларга миннатдорлик билдирди. Сўнгра тадбирлар дастури доирасида «Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиётининг гарови» мавзусидаги семинар ташкил этилди. Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Шунингдек, Федерацияси Кенгаши раиси, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Т.Нарбаева Термиз шаҳридаги Н-ҳарбий қисмда ватан олдидаги йилгиллик бурчини ўтаётган аскарлар билан ташкил этилган давра суҳбатига иштирок этди. Учрашувда ёш аскарлар билан истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ҳалқимиз турмушини яна обод этиш борасидаги сайҳаракатлар тўғрисида мулоқот бўлиб ўтди. Ҳарбий қисмга қасаба уюшмалари совғаси — компютер жамламаси топширилди. «Ўзбекистон» МФЙ ҳудудида ёш тадбиркор Шавкат Эламонов томонидан барпо этилган спорт майдончасининг тантанали очилиши мустақиллигимизнинг 22 йиллик тантаналари олдидан маҳалла болалонларига катта совға бўлди. Маҳаллий ёш спортчилар ўз чиқишлари билан тадбирга файз киритишди. Уларнинг бир гуруҳига спорт анжомлари, коптоқлар, бокс қўлқоплари, гимнастика жиҳозлари, теннис ракеткалари ва бошқа турли-туман совғалар тақдим этилди. Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Ёз — ўтмоқда соз

«Тонг» оромгоҳи Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфиди бўлиб, Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғида жойлашган. — Масканимиз 10 гектарга яқин майдонни эгаллайди, — дейди оромгоҳ раҳбари Алишер Жўраев. — Бу йилги мавсумда 1200 нафар ўғил-қизнинг дам олишини режалаштирганмиз. Мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида ташкил этилаётган турли маънавий-маърифий, спорт тадбирларидан ўқувчилар бир олам завқ олишмоқда.

Кувноқ ва сермазмун

Жорий йилда завод ишчи-хизматчиларининг фарзандлари беш босқичда соғломлаштирилади. 19 нафар малакали педагог ва тарбиячи болаларни зериктириб қўйиш-маяпти. Ўтоқхоналар, спорт майдончалари, сув ҳавзаси, томошагоҳ, ўйингоҳлар, «Маънавият ва маърифат» хоналари, кутубхона, компьютер маркази, ёзги кинотеатр, 10 га яқин тўгарак хоналари бугунги талабларга тўла жавоб беради.

Болаларнинг ҳар бир куни кувноқ, сермазмун ўтиши учун барча тадбирлар режа асосида ўтказилмоқда. Шахмат-шашка, стол тенниси, баскетбол, волейбол, футбол, ёнгил атлетика каби спорт тўгаракларида машғулотлар мунтазам олиб борилаётган. Корхонанинг «Нефтчи» маданият саройи, кўғирчоқ театри, ашула ва рақс дастаси жамоалари ўқувчиларга турли томошалар намойиш этишяпти.

Мухаммад МАХМУДОВ

Дил изҳори

Ҳаётда бошимизга не синоатлар тушишни билмаймиз. Шунинг учун ҳам Яратганга илтижо қилиб: «Ўзинг бало-қазо, офатлардан асра...», дея дуо қиламиз. На илож, бошга тушганини кўз кўрар экан!.. Умр йўлдошим билан «Хумсон» сийхатгоҳида дам олаётган эдик. Завқли ҳаёт, сўлим табиат, бекторор гўзалликлар... Шундай дамларда ҳассос шоир Ҳамид Олимжоннинг: «То ўлгунча шу ўлкада қол!» деган сатрлари беихтиёр ёдга тушади.

Борингизга шукур

Йўлланма муддати тугаб борапти. Беихтиёр ҳаёлимга бир фикр келди: «Йўлини топиб муддатни чўздирсаммикан...». Аммо йўли топилмади, зудлик билан уйга эмас, шифокорлар хузурига қайтишимизга тўғри келди. Рафиқаннинг бурнидан бётўхтов қон кетар, бечора соат сайин ҳолсизлиб борарди. Ҳазилдор марказий шифохонаси шифокорлари туни билан аёлим бошида парвона бўлишиб, тонга яқин қонни тўхтатишди. Зудлик билан Тошкентга — Гематология ва қон куйиш илмий-текширув институтига боришимиз шарт эканини тайинлашди. Омадимиз бор экан, керакли мутахассисга шу кунийқ учрашдик.

— Чиндан ҳам омадли экансиз, — деди тиббиёт фанлари номзоди, Ҳамида Казакбоева. — Рафиқангизни дарҳол касалхонага жойлаштириб, қон таҳлили ўтказамиз. Шоядки шундан кейин...

— Ахвол шунчалик жиддийми? — Жудаям жонсарак экансиз-ку, — мени

юпатди Ҳамида Казакбоева. — Бир муддат даволансан, бу орада таҳлил жавоби ҳам келиб қолар...

Белгиланган муддат мен учун азобли бўлди. «Бу қандай дарди, бирданга пайдо бўлса!» Нихоят, таҳлил жавоби келди.

— Баданда бир аъзо бўлади, у қонни тозалаб, ҳар хил дардларни қайтариб туради, — дея тушунтирди шифокор. — Худди шу аъзо, яъни талоқ шикастланган. Бахтимизга керакли дори бор. Рафиқангиз бугундан шу дорини истеъмол қила бошлайди.

Ҳам кувноқ, ҳам хавотир исканжасида қолдим. Демак, нахот чораси бор, аммо қандай қилиб талоқ шикастланади?.. Ҳамида Казакбоева уни ҳам аниқ қилиб тушунтирди: «Бирон қаттиқ кўркув ёки зарба бунга сабаб бўлиши мумкин...».

Ҳаёл тинчлик бермайдими: мен иш баҳона қўнадан бери келмасдим. Ҳамма юк аёлимнинг елкасида: боғчадан тортиб мактабга, битмас-туганмас уй юмушлари, мева йиғим-

теримлари! Ҳа, ёдимга тушди: баянд нарвонда туриб нок тераётганда дарахнинг шохи синиб, йиқилиб тушган эди-я!

Ҳамидадон менга далда бериб, айни вақтда баъзи нарсалардан огоҳ этди.

— Менинг аждодларим орасида шифокорлар йўқ, — очинга кўчиб қўя қолди Ҳамидадон. — Оилада етти фарзанд эдик. Кенжа-тойимиз хасталаниб, вафот этган, шифокорлар оламига кириб кетганимни ўзим ҳам билмай қолганман. Кўз олдимда ўйнаб-қулиб туриб, ўлиб қолганларни кўрсам, шифокорликни ташлаб кетгим келади-ю озми-кўпми шундайлар жонига ора кираётганим учун юпанаман. Ҳозир ҳам беморларим бутунлай соғайиб кетишларини кўриш юпаничи билан яшапман. Шу ўринда сизга бир гапни алоҳида айтиб қўймоқчиман: ҳар қандай зўр дорию малҳамлар ҳам вақтинчалик бир таянч, холос. Энг яхши таянч — беморларнинг яқин кишилари. Ҳақиқий инсоний фазилатлар шу паллада ўзини намоян этиши керак. Шунинг учун бизнинг беморларимиз кўпроқ шифохонада эмас, уйларида даволансалар, мақсада мувофиқ бўлади. Чунки, шифохонада тўсатдан содир бўлувчи оғир ҳодисалар рафиқангиз сингари дарди енгил беморларга ҳам кучли зарба бўлиши мумкин. Ҳозир ривожланган кўп давлатларда беморлар шу усулда даволанмоқда. Оғир ҳолатлар бундан мустасно, албатта.

Шукри, бу оламда Ҳамидадон сингари яхши инсонлар кўп. Уларга қарата: «Ҳайри ва эзгу ишингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин», дея тилак билдирамиз.

Асад АСИЛ

Андижон вилояти Бўз тумани «Солимахсум» маҳалла фуқаролар йиғинида эллиқдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Хусусий тадбиркор Отабек Солиев раҳбарлик қилаётган кичик корхона — улардан бири. Жорий йил апрел ойида ишга туширилган корхонада 15 турда тиквучилик маҳсулотлари тайёрланаётган. Ўнга яқин чевар қиз тикаётган бежирим, сифатли маҳсулотларга буюртмалар кўпаймоқда.

Суратда: корхона ишчиси Мадинабону Хожиматова. Хурсандбек АРАББОВЕВ (ЎЗА) олган сурат

Хунар — хунардан унар

Тургун Аҳмедов маҳалласида яшовчи Абдуллаевлар хонадон аъзолари бобомерос касбни танлаб, асло кам бўлишадигани йўқ. Оила миллий хунарамандчиликнинг нозик турларидан саналган чеварлик аънасини давом эттираётган тўртинчи авлоддир.

Гулистонлик чеварлар

Хонадон соҳиби Обид хожи Абдуллаев бу хунарни беш фарзандига қунт билан ўргатган. Эндиликда улар ҳам ўғил-қизларини ўз ортларидан эргаштиришяпти. Оилада бекорчи йўқ, ҳамма ишли, хунарли. Хатто келинлар ҳам чеварликни эгаллашмоқда. Натижада кичик цех ташкил этилиб, 6 та иш ўрни яратил-

ди. Шу билан бирга 10 нафардан зиёд хотин-қиз улардан хунарамандчилик сир-асрорларини ўрганмоқда. Оилавий чеварлар томонидан тайёрланаётган бир-бирдан бежирим, безакли тўй либослари, кийим-кечакларнинг харидори кўп.

«Навбахор» маҳалласидаги Абдуллаевлар оиласи ҳам

оилавий хунарамандчиликни йўлга қўйиб, нафақат шаҳарда, балки вилоятда обрў қозонди. Хонадон соҳибаси Раъно Абдуллаева шаҳарда танланган қўли гул тикувчи аёлларнинг бири. Қизлари Дилфуза ва Дилноза ҳам истиқболли чеварлар қаторида тилга олинади. Айни чоғда билганларини тенгдошларига ўргатишяпти.

«Сайқал» маҳалласида яшовчи Муқаддас Ортиқбоева ҳам оилавий бизнесга қўл уриб кам бўлмади. Икки нафар келини билан тайёрлаётган миллий либослар кўпчиликка маъқул бўлаёпти.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Юртимизда миллий маданий аъналаримизни қайта тиклаш, унинг ривожини йўлида кенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Жалқ бадий хунарамандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қатта аҳамият касб этади.

Халқ санъатига кенг йўл

Фармонда хонадон шароитида юксак бадий буюмлар ишлаб чиқарувчи халқ хунарамандларини маҳаллий хомашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлаш, кўргазмалар ва кимошди савдоларини ўтказиш, тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконлар ва киосклар тармоғини ташкил қилиш, ёшларни халқ санъати усталарининг кўникмаларига ўқитиб-ўргатиш муҳим вазифа этиб белгиланган. Шунингдек, унда ушбу фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотларини нархларини истеъмол бозоридида талаб ва тақлифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгиланган ҳамда «Хунараманд» уюшмасига аъзо бўлган ҳолда қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озоқ этилганлиги кўрсатиб ўтилган. Бу имтиёз Президентимизнинг қўшимча Фармонида кўра, 2014 йилнинг 1 январидан бўлган даврга узайтирилган.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг жорий этилиши билан Президентимизнинг 2012 йил 6 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунарамандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги Фармонида қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони орқали ушбу йўналишдаги оилавий корхоналарга солиқ имтиёзлари жорий қилинган. Таъкидлаш жоизки, оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан тавakkал қилиб ва ўз мулклий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият

бўлиб, ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Оилавий корхона мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаш, мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш, қарз маблағларини жалб этиш каби ҳуқуқларга эга.

Шунингдек, оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари, хусусан, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ ва иссиқлик таъминоти ҳақи тўлашни аҳоли учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, амалга ошириладиган барча тадбирлар халқ бадий хунарамандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёшларни жалб этиш учун қўлай шарт-шароитларни таъминлашдан иборатдир.

Хотам СУЛТОНОВ, Чилонзор туман ДСИ бўлим бошлиғи

Миннатдорлик

Баҳри дилимиз очилди

Инсон қалбига йўл топиш учун бир оғиз ширин сўз кифоя. Бунга Намангандаги «Чортоқ» санаторийсида яна бир бор амин бўлдим.

Хизматчиларнинг ширинсуханлиги, дам олувчиларга ўта эътибор билан қарашини кўриш хурсанд қилади. Яратилган шарт-шароитлар эса баҳри дилингизни очди.



Шунга монанд санаторий мазмуриятининг олиб бораётган савий-ҳаракатлари эътиборга молик. Айниқса, ўз касбининг фидойилари бўлган шифокорлар, хамшира-ю ошпазларнинг хизматидан мамнун бўлдик. Оила билан санаторийда дам олиб, мароқли ҳордиқ чиқардик. Керакли муолажаларни олдик. Шунингдек, ҳамшаҳарларим Шукрулло Субанов, Аҳмад Шокировлар оиласига ҳам санаторийда

Мирзо ХОЛМИРЗАЕВ, Бекобод шаҳар «Маданият» МФЙ раиси

Илм маскани

Истиқлол йилларида умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларини тубдан қуриш, уларнинг моддий-техника базасини жаҳон андозаларига мос тарзда бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай хайрли ишларнинг мамлакатимизнинг олис тоғ қишлоқларида буй чўзаётгани фикримиз тасдиғидир.

Тоғ қўйнида

Бундан тўрт йил аввал Шерободнинг «Зарабоғ» қишлоғида 675 уринга мўлжалланган иқтисодиёт касб-хунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Ҳозир бу билим даргоҳида тоғлик аҳолининг 723 нафар фарзанди таълим-тарбия олиш билан бир қаторда касб сирларини ҳам ўрганишмоқда. — Замонавий типда қурил-

ган ушбу ўқув масканимиз тоғ қишлоқлари фарзандларининг сеvimли даргоҳи. Тошкент иқтисодиёт университети меҳнат жамоаси коллежизини оталиққа олган. Профессор ва ўқувчилар гуруҳи маскандан тез-тез бўлиб, амалий кўмак беришяпти, — дейди коллеж директори Шерзод Мустаев. Тоғ қишлоқлари билан коллеж биносининг оралик масо-

Сўранг, жавоб берамиз

- 1. Меҳнат таътиллари қайси меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади?
2. Зарарли ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақти ва улар учун қўшимча таътилнининг муддатлари қанча?
3. Пуллик ҳисобидан ҳисобидан қўшимча маблағларнинг ишлатилиши масаласида иш бевуридан ҳисобот сўраш тартиби қандай?
4. Хизмат сафарига юборилган шахс тақсидида бориб қайтган тақдирда, унга бу харажатлари қопланадими?
С. ГАФФАРОВ, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати Маркази касабга уюшма қўмитаси раиси

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 134-моддасида, ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилиши белгиланган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида 2013-2015 йиллар учун тузилган Тармоқ қелишувининг 3.3. бандида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорига, Меҳнат кодексининг 37-ва 135-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг 1996 йил 1 апрелдаги белгиланган таътиллари умумий муддатини сақлаб қолиш, агар қонун ҳужжатларида имтиёзлироқ таътиллари белгиланмаган бўлса, Меҳнат кодексининг 137-моддасига асосан иш жойлари аттестациядан ўтказилганга қадар» деб қиритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддасига асосан тиббиёт ходимлари оқори даражадаги хис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар ҳисобланадилар ва уларга қисқартирилган иш соатлари жорий этилади. Меҳнат кодексининг 137-моддасига кўра, қўшимча таътил олиш ҳуқуқини бевуридан ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиллари муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ қелишувлари, жамоа шартномаси билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади.

Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 й. «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 133-сонли қарорининг 2-бандида меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати 8-иловага мувофиқ, ишининг алоҳида тусига эга бўлган, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар учун қўшимча таътилни муддати камида 12 иш кунидан иборат қилиб белгиланган.

3. Жамоа ходимлари томонидан пуллик хизматлар ҳисобидан ишлаб топилган қўшимча маблағларни ишлатилиши «Пуллик хизматлар тўғрисида»ги Низомларда белгиланади. Бу масалада иш бевуридан ҳисобот сўраш тартиби жамоа шартномаларига киритилиб амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83-сон ва 7/12-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида»ги Йўриқноманинг 10-бандига кўра, хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари хизмат сафарига юборилган шахсга қўйидаги миқдорларда қопланади:

умумий фойдаланиладиган транспортнинг барча турларида юриш (таксидан ташқари) қиймати; транспортда йўловчиларни мажбурий давлат суғурталаш бўйича тўловлар;

йўлда юриш ҳужжатларини олдиндан сотиш бўйича, самолёт ва поездларда жойларни бронлаш хизматлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда ҳақ тўлаш; агар улар аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлса, умумий фойдаланиладиган транспорт билан (таксидан ташқари) станциягача, соҳилгача (пристангача), аэропортгача етиб олиш харажатлари. Истиқно тарихида (кечки поезд, умумий фойдаланиладиган транспорт йўқ бўлган тақдирда) ташкилот раҳбарига тақсидида юрганлик учун ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилади.

Йўлда ўрин-кўрпа буюмларидан фойдаланганлик учун харажатлар тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмасдан ҳақ тўлашга қабул қилинади.

Йўл ҳужжатлари йўқ бўлган тақдирда корхона раҳбарига ҳар бир аниқ ҳолат бўйича хизмат сафарига юборилган ишчининг йўл харажатларига ҳақ тўлаш масаласини ечиш ҳуқуқи берилади. Бунда, йўл харажати бўйича қопланадиган сумма хизмат сафарига темир йўл орқали бориш қийматидан ортиқ бўлмаслиги, лекин йўловчиларни авидада ташиш тарифларининг 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

У. АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши Бош юрисконсультанти

Диққат, эълон!

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг «Ишонч телефони» (8-371) 252-11-53.

фаси турлича: «Вандоб» маҳалласи 45, «Норбоб» 38-40, «Қизил олма» 15, «Қорабоғ» 7-8, «Майдон» қишлоғи 9 километрни ташкил қилади. «Пошқирд» маҳалла фаоллари ва ота-оналар фарзандларига қўлайлик яратиш учун ўз маблағлари ҳисобидан автобус қатновини йўлга қўйишди. Лекин бир нарсда уларнинг ҳам қўли қисқалик қилмоқда. — Коллежизим ёнидан ҳеч бўлмаганида 400 уринга мўлжалланган ўқувчилар ётоқхонасини бунёд этишимиз зарур, — дейди коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Тохир Мустафоқулов. Агар бу масала ҳал этилса, давомат ва таълим сифати янада яхшиланган бўларди.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ



Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлоднинг жисмонан соғлом ва маънавий баркамол бўлиб воғга етиши учун барча шароит яратилмоқда. Буни Бухоро шаҳридаги «Кувонч» мактабгача таълим-тарбия муассасаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда мазкур муассасида 113 нафар бола тарбияланмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган ўнга яқин педагог-ўқитувчи таълимнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланган ҳолда ўғил-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратаётган. Богчада хорижий тиллар бўйича машғулотлар йўлга қўйилган. Маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари доимий ўтказиб келинади.

Суратда: Бухоро шаҳридаги «Кувонч» мактабгача таълим-тарбия муассасаси тарбияланувчиси Сабрина Акрамова.

Т.ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат

■ Спартакиада

«Бухоро» спорт мажмуасида «Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси ходимлари ўртасида Обод турмуш йилгига бағишлаб шахмат, шашка, стол тенниси ва оилавий мусобақалар бўйича спартакиада ўтказилди.

Ҳам баҳс, ҳам дам

Мусобақада Бухоро ва Навоий вилоятларидан соҳада меҳнат қилаётган 168 ходим беллашди.

Шахмат бўйича аёллар ўртасида «Олотгаз» филиали техниги Махфират Қаҳқорова ғолиб чиққан бўлса, «Бухорошаҳаргаз» корхонаси ходими Зарина Хусанова иккинчи, «Қизилтепатумангаз» назоратчиси Қизибий Шодиева учинчи ўринни эгаллади. Эрақлар ўртасида «Ғиждувонгаз» ходими Хомид Ярашев, «Навоийшаҳаргаз» етакчи ҳисобчиси Акмал Уралов, «Ромитангаз» филиали метролог Камол Очиллов совриндор бўлди.

Шашка баҳсларида «Когонгаз» филиали назоратчиси Дилфуза Ражабова ва нуроталик Орзимурод Файзиева биринчилик насиб этди.

Стол тенниси беллашувлари ҳам кескин курашлар остида ўтиб, ғолибликка «Қизилтепагаз» назоратчиси Гулмира Ҳақимова ва «Автоҳўжалик» корхонаси ходими Алишер Наврўзов эришди.

Спартакиада дастуридан жой олган оилавий мусобақада хатирчилик Норқуллов, «Қоровулбозоргаз» ва «Бухорошаҳаргаз» филиалидан Бузруков ва Курбонвалар оиласи шохуспага кўтарилди.

Умумжамоа ҳисобида «Хатирчи», «Қизилтепагаз», «Бухорошаҳаргаз» филиаллари жамоалари пешқадам улични ташкил этишди.

Самия МАХМУДОВА,
«Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси касоба уюшма кўмитаси раиси

■ Ўқинг, қизиқ!

Энг узун тўрли девор

Австралиянинг жануби-шарқий қисмида дунёдаги энг узун тўрли девор мавжуд бўлиб, узунлиги 5614 километрга тенг. У автомобил йўллари ўтган жойларда узилиб давом этади. Бу девор 1885 йилда яйловлардаги қўйларни динго (Австралия ёввойи ити)дан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган. Айни пайтда ушбу яйловда қўйлар билан рақобатда бўлган кенгуру ва қўёнларнинг популяцияси давом этмоқда. Австралиянинг фарбигадаги 3253 километр узунликдаги девор эса қўёнлардан муҳофазаланиш мақсадида қурилган. Чунки бир пайтлар бу жониворлар қитъага кучли экологик хавф туғдирган.

Дунёдаги энг қиммат коктейл

Лондондаги «Salvatore's» барида дунёдаги энг қиммат - коктейл тайёрланди. Коктейлнинг бир порцияси 5,5 минг фунт стерлинг (6,5 минг евро) туради. «Salvatore's Legacy» дея ном берилган ушбу ичимлик муаллифи тажрибали мутахассис Сальваторе Калабрезедир. Мазкур коктейлга «Clos de Griffier Vieux» (1788 й.) коньяги, «Kummel» (1770 й.) ширин ликёри, «Dubb Orange Cugaso» (тахминан 1860 й.) ва аччиқ ангустур тиндирмаси (тахминан 1900 й.) қўшилган. Бу коктейлни бирор киши татиб кўрганми-йўқми, хозирча сир бўлиб қолмоқда. У «Гиннеснинг рекордлар китоби»га ҳам киритилиши мумкин.

Хушига келгач, бошқа тилда гапирди

АҚШ фуқароси Майкл Ботрайт 28 феврал кун Палм-Спрингс меҳмонхонасида хушсиз ҳолатда топилди. Уни дарҳол шифохонага етказилган. 61 ёшли бу инсон хушига келгач, швед тилида гапир бошлади. Узини Йонас Эк деб таништирган бу инсон шифокор ҳамда журналистлар билан таржимон орқали сўзлашмоқда.

Ботрайт кўпгина профессионал қубилитларини йўқитди. 4 ойдан бери у шифохонада хотирасини тиклаш учун даволанмоқда. Аммо бирорта таниш, қариндош, ҳатто 2 собиқ рафиқасини ҳам эслаб олмади.

Ботрайт 1981 йилдан 2003 йилга қадар вақти-вақти билан Швецияга келиб турган. У АҚШда 3 D дизайнер бўлиб ишлаган. Шунингдек, 10 йил Японияда, 4 йил эса Хитойда инглиз тилидан дарс берган.

Хозир шифокорлар Ботрайтнинг соғлиги ҳақида бош қотиришмоқда. Унинг шифохонада кўп вақт қолиши учун асос йўқ.

Зийрак чумолилар

Чумоли ўлғанидан 2 кун ўтгач, олевин кислотаси хидини чиқара бошлади. Хид чиқиши билан қавмдошлари уни дарҳол кўтариб «қабристон»га — уясидан анча узоқ масофага олиб боришади. Кўриниб турибдики, чумолилар ўзларини юқумли касалликларни тарқатувчи микроблардан ҳимоя қилади. Улар фақат хидни сезади: бир кун биологлар тажриба учун тирик чумоли устига олевин кислотасини томизиб қўйдилар. Қарангки, бошқа чумолилар уни дарҳол инидан нарига судраб кетишди.

Сабоҳат РЎЗИМУРОВА

■ Бокс



Қозоғистоннинг Кустанай шаҳрида 1995-96 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўн тўртинчи бор ташкил этилган халқаро турнир боксчимиз Раҳматулла Ғофуров учун омадли якунланди.



Баракалла, Раҳматулла!

Мезбонлардан ташқари Россия, Қирғизистон ва юртимиздан 110 дан ортиқ боксчи иштирок этган нуфузли мусобақада 91 кг.дан рингга кўтарилган Раҳматулла барча рақибларини мағлубиятга учратиб, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири



Рассом: М.ЭШОНҚУЛОВ

«ЎЗБЕК ФУТБОЛИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

АЙЛАНМА КРОССВОРД:


Шаклда белгиланган хондан рақам атрофига соат милли йўналишида: 1. Ўзбекистон футбол ватани ҳисобланувчи тарихий шаҳар. 2. Футболнинг юлдузи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, Осиё ўйинлари чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» мукофоти совриндори, мураббий. 3. Украина чемпионатида фаолият олиб бораётган миллий терма жамоамизда ўйнаган ҳужумчи. 4. Футбол майдонининг рақиб йўллаган тўпни киритмаслик учун ўрнатилган ҳимоя қисми. 5. Мамлакатимиз тўққизинчи чемпионатида бир ўйинда олтин гол киритиб «дубль хеттрик»ка эришган ҳужумчи, терма жамоамиз аъзоси. 6. Тошкент вилояти футбол жамоаси. 7. 1915 йилда футбол жамоаси таркиб топган водийдаги шаҳар. 8. Биринчи лига футбол жамоаларидан бири. 9. Футболчилар жамоасига раҳбарлик қилиб, малака-маҳоратни оширишга ўргатувчи, устоз. 10. Футбол жамоаси бошлиғи. 11. Республикада фаолият олиб борган бразилиялик таниқли мураббийлардан бири. 12. Футбол ўйналадиган жой. 13. Вилоят номи билан аталувчи биринчи лига жамоаси. 14. Терма жамоамизда иштирок этиб, Осиё ўйинлари чемпионлигига эришган футболчилардан бири. 15. 2010 йил ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатининг моҳир футболчиларидан бири. 16. Бир ўйинда бир фут-

болчи муаллифлигида киритилган учта голга берилган атама. 17. Ўзбекистон терма жамоаси билан терма жамоалар ўртасида футбол ўйини ўтказилган мамлакатимиз шаҳри. 18. Пойтахтимизда футболнинг юз йиллиги арафасида бунёд этилган футбол иншооти. 19. Қисқа вақт, лаҳза. 20. Ватанимизга таъриф буюрган Халқаро Футбол Федерацияси (ФИФА) раҳбари. 21. Ўзбекистон миллий футбол терма жамоасининг биринчи голи муаллифи, таниқли ҳужумчи, мураббий. 22. Хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган республикамиз биринчилигида саккиз маротаба чемпионлика эришган мини-футбол жамоаси. 23. «Насаф» жамоаси тўпурари. 24. Футбол ҳақами анжумани. 25. Пойтахтимизнинг таниқли футбол жамоаси. 26. Қоида бузилиши сабабли ҳақам томонидан белгиланган тўп. 27. Ўзбекистон Футбол Федерацияси президенти. 28. Жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларини бошқарган, Осиё китъасининг энг яхши футбол ҳақами деб, тан олинган ватандошимиз. 29. «Локомотив» жамоаси ҳужумчиси. 30. «Пахтакор» жамоаси тўпурари. 31. Футбол майдони қисми. 32. Республикада 2011 йилнинг энг яхши футболчиси деб эълон қилинган моҳир футболчи, терма жамоа аъзоси.

ЧАЙНВОРД: 1. Таниқли аёллар футбол жамоаси. 2. Футболнинг фахрийси, юзтадан ортиқ гол киритиб, Григорий Федотов клуби аъзоси бўлган

тўпурар, мураббий. 3. «Пахтакор» жамоасининг собиқ футболчиларидан бири. 4. Осиё китъаси кубогига сазовор бўлган жамоа. 5. Биринчилик ғолиби аниқланмаган ҳал қилувчи ўйин. 6. Футбол ўйини қисми. 7. Мамлакатимизда ташкил этилган илк футбол жамоаси. 8. Майдон ташқарисига чиқиб кетган тўп. 9. Футбол анжумани. 10. Жарима майдончасида қондани бузганлик учун рақиб дарвозаси томон белгиланган жарима зарбаси. 11. Ватанимиз футболнинг энг кўп тўп киритган ҳужумчиси.

«ФУТБОЛИМИЗ ЙИЛНОМАСИ» Кўйида таърифланган саналарни шаклда белгиланган хондан ҳарф атрофига соат милли йўналишида рақамлар билан ёзинг. О'. Ватанимизда илк футбол жамоаси «Мускоманда» тузилган йил. Z. «Спорт» газетасининг иловаси, «Ўзбекистон футбол» ҳафталиги нашр этила бошланган сана. В. Ўзбекистон футбол федерацияси ташкил этилган йил. Е. Тошкентда «Пахтакор» стадиони фойдаланишга топширилган йил. К. «Нефтич» жамоаси ташкил этилган йил. I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни риволантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган йил. S. Ўзбекистон футбол терма жамоаси Хиромсидамада ўтказилган Осиё ўйинлари мусобақалари чемпионлигига сазовор бўлган йил. Т. Са-



марқанд шаҳрида илк футбол жамоаси ташкил топган йил. О. Усмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз кучли саккизликдан ўрин олишга муваффақ бўлган йил. N. «Насаф» жамоаси ОФК кубогини қўлга киритган сана.

«ФУТБОЛИМИЗ ФАХРИЙЛАРИ» — МУАММОНОМАСИ. Калит сўзлар: 1. Осиё китъа-

сининг энг яхши футболчиси деб, икки бор эълон қилинган футболчи, миллий терма жамоамиз сардори — 11, 5, 10, 3, 15, 1, 8.

2. Мамлакатимиз терма жамоаси дарвозабони — 17, 5, 21, 19, 5, 15, 5, 8.

3. «Пахтакор» жамоасига собиқ Иттифоқ мамлакат кубоги финалида рақиб бўлган жамоа — 19, 1, 15, 10, 5, 6, 1.

4. Олий табақа жамоаларидан бири — 14, 12, 15, 19, 3, 17.

5. Ўйинда галабага эришишнинг асосий омили — 13, 20, 11, 20, 7.

6. Хоразм вилояти футбол жамоаси — 9, 3, 16, 1, 15, 2, 21, 10.

7. Футболда ҳисоб ўзгарадиган ҳолат — 18, 1, 4.

8. Ўйин давомида қўллани-

ладиган ҳимояланиш усули — 10, 15, 5, 21, 21, 2, 15, 18.

Энди калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар асосида шакл атрофидаги рақамларда яширилган муаммонимани ҳал этинг. Улардан мамлакатимиз футбол ривожига ўз хиссасини қўшган таниқли ҳақам, футболчилар ва шарҳловчи фахрийларимизни билиб оласиз.

ФОЗИЛАТ ОРИПОВ

<p>O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p> <p>Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p>	<p>Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev</p> <p>Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).</p>	<p>2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-6002</p> <p>Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.</p>	<p>Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.</p> <p>Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.</p>	<p>Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy</p> <p>Nashr ko'rsatkichi: 133</p> <p>Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.</p>	<p>Navbatchi muharrir: B. Rizayev</p> <p>Navbatchi: N. Mahamov</p> <p>Mushahih: S. Shodiyeva</p> <p>Bosilgacha topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 21.30</p> <p>E-mail: ishonch2012@gmail.com</p> <p>Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: N. Abdullayev</p> <p>«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.</p>
--	---	--	--	---	---